

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАМИЛОВ ЖАВЛОН АДХАМ ЎҒЛИ**

**ЁШИГА ҚАРАБ БОЛАЛАРДА ДОИМИЙ ТИШЛАРНИ ЁРИБ  
ЧИҚИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

УДК: 616.31-572.775; 616.714.1-071.3

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Камилов Жавлон Адхам угли**

Ёшига қараб болаларда доимий тишларни

ёриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари ..... 3

**Камилов Жавлон Адхам угли**

Особенности прорезывания постоянных

зубов у детей в возрастном аспекте ..... 25

**Kamilov Javlon Adxam ugli**

Age-related features of permanent teeth

eruption in children..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАМИЛОВ ЖАВЛОН АДХАМ ЎҒЛИ**

**ЁШИГА ҚАРАБ БОЛАЛАРДА ДОИМИЙ ТИШЛАРНИ ЁРИБ  
ЧИҚИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1236 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат стоматология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент Давлат стоматология институти веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акбаров Авзал Нигматуллаевич  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шалабаева Клара Зулхурнаевна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Гулямов Суръат Сандвалъевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат  
тиббиёт институти (Ўзбекистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент Давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» Декабр да соат 1500 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент Давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 106 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Тошкент ш., Яшнаобод тумани Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; (+99871) 230-47-99).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» Келбр куни тарқатилди.  
(2021 йил «22» Келбр даги 103 рақамли реестр баённомаси).



*Handwritten signatures in blue ink:*  
1. A large signature, likely of N.K. Xaydarov.  
2. A signature, likely of L.E. Xasanovi.  
3. A signature, likely of U.A. Shukurova.

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э. Хасанови

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А. Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Умумжаҳон статистик маълумотларига кўра, ер шари аҳолисининг 90% ҳаёти давомида оғиз бўшлиғи касалликлари билан оғрийди. Оғиз бўшлиғини соғлом бўлиши бу умумий саломатлик, фаровонлик ва ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) оғиз бўшлиғи соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича глобал дастури ўз ишени « ... 2030 йил даври учун барқарор ривожланиш кун тартиби ...»<sup>1</sup> соғлиқни мустаҳкамлаш бўйича Шанхай декларацияси билан мувофиқлаштирди. Тиш касаллигининг этиологик омиллари организм ривожланишининг турли босқичларига таъсир қилиши мумкин, шунинг учун профилактика чора-тадбирларни болаларни тиш-жағ тизимининг ўсишини ва ривожланишининг барча давларида ўтказиш керак. Катта мактабгача, кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг ўсиши ва ривожланишини баҳолаш учун етакчи маълумот мезонларидан бири тишнинг етилганлиги ҳисобланади. Тишларни ўз вақтида ёриб чиқиши бола организмнинг нормал ривожланишидан далолат беради, тишларни ёриб чиқиш муддати, кетма-кетлиги, жуфтлиги ва диапазонининг бузилиши саломатлик ҳолатида оғиш кузатилган болаларда кузатилиши мумкин ва улар патология ҳисобланади.

Жаҳонда доимий тишларнинг ёриб чиқиш хусусиятларини ўрганиш йўли билан, тишларни ривожланишини минтақавий норматив ёши ва жинс стандартларини, бўй-вазн ва кефалометрик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, болаларни оғиз бўшлиғини муҳофаза қилишга қаратилган даво-профилактика чораларини самарали тизимини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада доимий тишларнинг ёриб чиқиш тавсифи боланинг ўсиш ва ривожланиш даражасига боғлиқ; болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқиш сони, ўзгариши, ўсиши, суръати, муддати, диапазони, жуфтлиги ва кетма-кетлигини баҳолаш; болаларнинг соматотип ва кефалотип билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб муаммоси ҳисобланади; даволаш-профилактик чора-тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифатини, самарадорлигини ва оммабоплигини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини ривожланиши бўйича мажмуавий чоралар амалга оширилмоқда, жумладан оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ташхислаш, профилактика қилиш ва даволаш. Болаларнинг оғиз бўшлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ 2017-2021 йилларда «... соғлом турмуш тарзини

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Shanghai Declaration on promoting health in the 2030 Agenda for Sustainable Development. Published 2016. Accessed 20 September, 2018.

шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш йўли билан болалар аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалланиш кўрсаткичларини камайишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ...»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёлларга, ҳомиладор аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Доимий тишларни ёриб чиқиши ёши, жинси ва миллати, умумий соматик касалликлар, овқатланиш одатлари ва вазни ва бўйи кўрсаткичлари, бош суяк-юз ва жағ-юз морфологияси, ортикча сонли тишларнинг мавжудлиги, тишларнинг эрта олиб ташланиши ёки тишларнинг персистенцияси ва анкилозига боғлиқлик масалалари билан узоқ хориждаги кўплаб муаллифлар шуғулланиб келмоқдалар (El-Bialy T. Feres M.F., Alhadlaq A., 2015; Yücel B.B., Toprak D., 2016; Alsughier Z., 2018). Доимий тишларнинг ёриб чиқиш муддати, диапазони ва кетма-кетлиги аниқланган (Temitope A. Esan et al., 2018), юқори ва пастки жағлардаги тишларнинг ёриб чиқишни гендер бўйича фарқлари аниқланди (Kutesa A. et al., 2013; Shaweesh A.I., 2013) ва гомологик қарама-қарши тишлар орасидаги тишларни ёриб чиқиш вақтида статистик фарқнинг йўқлиги (Khan N., 2011). Узоқ хориждаги муаллифларнинг ишларида бошнинг юз ва мия қисмларини ўрганиш натижалари акс этган бўлиб, бу тиш ва жағ суякларининг ҳолати ва ўлчамини аниқлашга, юзнинг уйғунлигини баҳолашга имкон берган (Almstrand A.C. et al., 2010; Acharya P., 2011; Farhad B., 2011).

МДХ мамлакатларидан кўплаб олимлар тишларни физиологик ёриб чиқиш вақти ва жуфт бўлиб ёриб чиқишида бузилиш сабабларини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар (Бимбас Е.С. ва бошқ., 2016), аммо доимий тишларнинг ёриб чиқишининг бошланғич, ўрта ва охириги муддатларини ўрганиш алоҳида ҳолатларда ўтказилган – Л.Б. Белугина (2004), А.Г. Ватлин (2006) ва С.И. Волкова, Я.В. Гретченко (2016). Россиялик олимлар болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқиш қонуниятлари ва хусусиятлари ёш гуруҳига,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й 07.02. даги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегияси» Фармони.

жинсига, этник таркибига ва яшаш минтақасига боғлиқ эканлигини исботлаб бердилар (Яценко А.К., Первов Ю.Ю., Транковская Л.В., 2017). Доимий тишларнинг ёриб чиқиш диапазонини аниқлашга бағишланган илмий ишлар мавжуд, уларнинг натижалари тишларнинг ёриб чиқиши бошланиши ва давомийлиги жиҳатидан сезиларли фарқларга эга (Виноградова Т.Ф., 2014; Проффит У.Р., 2015; Бородовицина С.И., 2019). Жағ-юз соҳасининг ўсиш ўзгарувчанлигини, юзнинг пропорциясини ва ўлчамларини симметриклигини ва шаклини прогноз қилиш, тиш-жағ нуқсонларига чалинган болаларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида МДХ мамлакатларининг бир қатор олимлари бўйи ва вазни кўрсаткичлари ва бошнинг морфологик хусусиятларининг ёши ва жинси жиҳатларига қараб ўрганиб чиқиш билан шуғулланмоқдалар (Постолаки А.И., 2015; Кузьменко Е.В., Усович А.К. 2016; Шундрик М.А. ва бошқ., 2017). Соматометрик, кефалометрик ва одонтометрик тавсифларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди (Аюпова Ф.С., Терещенко Л.Ф., 2013; Тихонов В.Э. ва бошқ., 2017).

Республикада бош ва юзнинг антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди (Муртазаев С.С., 2017; Раимжонов Р.Р., Шодмонов А.А., Каримкулов Н.А., 2017; Шодмонов А.А. ва бошқ., 2017; Норова М.Б., 2018). Ватанимиз олимлари томонидан стоматологик ҳолат, нуқсонларнинг тарқалиши, тиш-жағ тизимида деформацияларни ривожланиш патогенезида умумий омилларнинг роли ва болаларда яллиғланиш касалликларини ривожланиши ўрганиб чиқилди (Даминов Т.О., Якубов Р.К., Мавлянов И.Р. ва бошқ., 2002; Нигматов Р.Н. ва бошқ., 2014; Шайхова Г.И., Муртазаев С.С., Асаматдинова А.И., 2017; Якубова З.А., Якубов Р.К., Усманова Д.Д., 2017; Азимов М.И., Ризаев Ж.А., Азимов А.М., 2019; Гаффоров С.А., Нунова Ш.Н., Нунов Н.Б., 2019). Биринчи доимий моляр тишларнинг ёриб чиқиши ва минераллашуви муддати Тошкент шаҳри болалари ўртасида ўрганилган (Мирсалихова Ф.Л., 2017). Аммо доимий тишларнинг барча гуруҳлари ёриб чиқишини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар Ўзбекистонда илгари ўтказилмаган, аммо маълумки, тишларнинг ёриб чиқиши минтақавий хусусиятлари ташхисий ва прогностик қизиқиш уйғотади, бу нафақат тиш етуқлиги мезонларини аниқлайди, балки бола организмнинг умумий ривожланишини ҳам.

Шундай қилиб, доимий тишларнинг ёриб чиқишининг ёши, жинсини ва минтақавий хусусиятларини ўрганиш меъёрий баҳолаш жадвалларини яратиш ва тишларнинг ривожланишининг бузилишларини ўз вақтида ташхислаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш учун зарурдир, улар оғиз бўшлиғи касалликларини камайтириш ва болалар аҳли саломатлигини яхшилаш бўйича дастурни ажралмас бўлаги бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент Давлат стоматология институти ва Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг режасига мувофиқ ПЗ-20170918168 амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларнинг сомато- ва кефалометрик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда доимий тишлаш функциясини (прикус) ҳосил бўлишининг ёши ва жинс хусусиятларини аниқлаш ва тишларнинг ривожланишини, тана вазни индексини, бошнинг мия ва юз қисмлари кўрсаткичларини баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент шаҳри болаларида доимий тишларнинг ёриб чиқиш сонини, ўзгаришини, ўсишини, суръатини, муддатини, диапазонини, жуфтлигини ва кетма-кетлигининг ярим йиллик ва йиллик динамикасини баҳолаш;

Тошкентлик болаларнинг доимий тишларни ёриб чиқиш кўрсаткичларини бир қатор хорижий давлатларнинг болалари билан қиёсий баҳолашни ўтказиш;

мактаб ёшидаги болаларда соматометрик ва кефалометрик кўрсаткичларнинг ёши ва жинсини хусусиятларини аниқлаш;

бўйи-вазни ва кефалометрик кўрсаткичлар билан доимий тишларни ёриб чиқиш муддати ва сонини ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тавсифини аниқлаш;

сигмал оғиш услуги ва параметрик бўлмаган центиль усулидан фойдаланган ҳолда тиш ривожланишининг ёши ва жинсини меъёрий кўрсаткичларини (стандартларини), тана вазни индексини, бошнинг мия ва юз қисмларининг ўлчамларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган Тошкент шаҳридаги 3834 нафар болалар олинган, улардан 1577 нафари - мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва 2257 нафари - умумтаълим мактаб ўқувчилари.

**Тадқиқот предмети** бўлиб тиш ривожланишининг тавсифи, доимий антагонист тишлар ва антимер тишлар, бошнинг мия ва юз қисмлари ўлчамлари нисбати, тиш ривожланишининг соматометрик ва кефалометрик кўрсаткичлар билан боғлиқлиги ва бўйи-вазни кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқотда стоматологик кўрик ўтказилди, анамнестик, кефалометрик, соматометрик, тиббий-статистик ва аналитик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

ўнг ва чап квадрантларнинг юқори ва пастки жағлардаги доимий тишлар сонининг ёши ва жинси динамикаси, ярим йиллик ва йиллик ўсишлар, тишларни ёриб чиқишни секинлашган ва тезлашган даврлари аниқланган;



доимий тишлаш функциясини шаклланишини бошланғич ва ўртача муддатлари, ҳосил бўлишининг яқунланиш муддатлари, доимий тишларнинг ёриб чиқиш диапазони ва кетма-кетлиги, контралатераль ва антимер тишларнинг ёриб чиқиш турлари ва симметрликлиги аниқланган;

сигмал оғиш усули ва параметрик бўлмаган центиль усули билан болаларнинг тиш ривожланишини, тана вазни индексини, бошнинг мия ва юз қисмларининг ўлчамларини баҳолаш учун меъёрий қийматлари ишлаб чиқилган;

тишларни ёриб чиқиш ёши ва ёриб чиқадиган доимий тишлар сони билан асосий соматометрик ва кефалометрик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

тиш етуклиги даражасидаги бузилишларни эрта аниқлаш ҳамда ёши ва жинси меъёрларига қараб тиш ривожланишидаги оғишларнинг яққол намоён бўлишига қараб хавф гуруҳларини шакллантириш амалга оширилган;

кефалометрик кўрсаткичларни ривожланишида меъёрий қийматлардан оғишларни, бош ва юзнинг турини ҳамда шакли аниқланган;

тана вазни индекси бўйича болаларнинг овқатланиш ҳолатидаги бузилишлар аниқланган;

болалар тишларининг ривожланишидаги бузилишларнинг олдини олиш ва уларни коррекция қилишга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган;

тишларни ривожланиш масалалари бўйича мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини яхшилаш, тана вазни индексини ва кефалометрик кўрсаткичларнинг ривожланиш даражаси баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** оқилона назарий ёндошув ва усулларнинг қўлланганлиги, етарлича миқдорда текширувдан ўтказилган болалар сонидан фойдаланилганлиги, замонавий бир-бирини тўлдирувчи стоматологик, кефалометрик, соматометрик, анамнестик, аналитик ва статистик тадқиқотлар усуллари қўлланилганлиги, хорижий муаллифларнинг илмий асарлари маълумотлари билан қиёсий таҳлил ўтказилганлиги, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шуни тақозо этадики, тишлар ривожланиш даражасининг ёши ва жинси хусусиятлари, бош ва юзнинг ўлчов хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар болаларнинг саломатлигини мажмуавий баҳолашда қўллаш мумкин ва ортопедик, ортодонтик стоматология ва жағ-юз жарроҳлигида мақбул оператив-техник усулларни танлаш учун ишлатилади, шунингдек тиш ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, болаларнинг соматометрик ва кефалометрик тавсифларини кўп йиллик қиёсий таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари стоматологик соғлиғини назорат қилиш ва алоҳида олинган бола учун ҳамда болалар аҳли учун ҳам тишларнинг ривожланишини мониторинг қилиш имконини беради; стоматологик ёрдамни режалаштириш ва унинг самарадорлиғини баҳолашни ўтказиш; республика болалар аҳлининг саломатлиғини янада соғломлаштириш учун илмий-асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда тиббиёт ходимлари ва мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишга ёрдам бериш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болалардаги ёшдаги ва гендер жиҳатларида бўйи-вазни ва кефалометрик кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда доимий тишларнинг ёриб чиқишини мажмуавий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

доимий тишларнинг ёриб чиқиш сони, муддати (ёши), диапозони, кетма-кетлиги ва симметриклиғини меъёрий кўрсаткичлари натижасида «Тошкент шаҳри болаларнинг тишларини ривожланишини сигмал оғишлар усули ва параметрик бўлмаган центиль усули бўйича ёшини-жинсни меъёрий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда тишнинг етуклик даражасини меъёрий қийматлар ёрдамида аниқлаш имконини берган;

бошнинг айланасини, бўйлама, кўндаланг, ёноқ ва пастки жағларни диаметрини ва мия қисмини баландлиғини, юзнинг тўлиқ морфологик ва физиономик баландлиғини меъёрий қийматлари натижасида «Ёши-жинси меъёрий қийматлари бўйича болаларда кефалометрик кўрсаткичлари ривожланишини баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда меъёрий қийматлар бўйича бош ва юзнинг ўлчов тавсифларидаги дастлабки оғишларни аниқлашга ҳамда ортодонтия ва жағ-юз жарроҳлигида мақбул операцион-техник усулларни танлаш имконини берган;

тик турган ҳолатдаги бўйини баландлиғини ва тана вазнини меъёрий қийматлари натижасида «Стандарт оғишлар услуби ёрдамида мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш тартиби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8н-д/166-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда тана вазни индексининг меъёрий қийматлар бўйича ривожланишидаги дастлабки оғишларни аниқлаш ва коррекцион даво-ташҳислаш ва профилактика чора-тадбирларини ўтказиш имконини берган;

болаларнинг стоматологик соғлиғини мажмуавий баҳолаш самарадорлиғини оширишга қаратилган тадқиқотлар натижалари Тошкент шаҳридаги 31, 52-сонли оилавий ва 2, 3, 5-сонли болалар стоматология поликлиникаларининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 октябрдаги 08-09/13711-сон

маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг жорий этилиши стоматологик соғлиқни назорат қилишни яхшилашга ва тишларнинг ривожланиш мониторингини ўтказиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақолалар, шу жумладан 6 таси – республика ва 4 таси - хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 та бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларнинг тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доимий тишларнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида доимий тишларни ёриб чиқишининг қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганиш масалалари бўйича илмий ишлар маълумотлари тақдим қилинган, шунингдек, тиш ривожланишининг болаларда ёши жиҳатидан тана, бошнинг мия ва юз қисмлари ўлчамлари билан ўзаро боғлиқлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Доимий тишларнинг ёриб чиқишини сомато- ва кефалометрик кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда мажмуавий баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида объектлар, ҳажми ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқотлар Тошкент шаҳрининг тасодиқий танланган бешта туманида (Олмазор, Мирзо-Улўғбек, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Чилонзор) жойлашган 4 та мактабгача таълим ташкилотларида (83, 106, 473, 547-сонли) ва 4 та (64, 71, 102 ва 302-сонли) умумтаълим мактабларда ўтказилди. Стоматологик текширув 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган 3834 болалар орасида ўтказилди (1907 нафар ўғил болалар ёки 49,7%, 1927 нафар қиз болалар ёки 50,3%).

Биз томондан текширилган болаларда биринчи доимий тишлар 4 ёшу 6 ойда, учинчи моляр тишлар эса 16 ёшдан бошлаб ёриб чиққанлиги сабабли, текширилганларнинг умумий сонидан стоматологик текширув материалларини статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун 3232 нафар болаларнинг карталари танлаб олинди, улардан 975 нафари 4 ёшу 6 ойдан 6 ёшу 6 ойгача бўлган мактабгача ёшдаги болалар (487 нафар ўғил болалар ёки 49,9%, 488 нафар қиз болалар ёки 50,1%); 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 2257 нафар ўқувчилар (1120 ўғил болалар ёки 49,6%, 1137 қиз болалар ёки 50,4%). Худди шу ўқувчилар орасида соматометрик ва кефалометрик ўлчовлар кўшимча равишда ўтказилди. Текширувдан ўтган барча болалар ўзбек миллатига мансуб, Тошкент шаҳрида туғилган ва яшаган.

Ҳар бир ёши ва жинсига қараб гуруҳга 92 дан 127 нафар болалар кирган. Ёшига қараб гуруҳлар тиббий амалиётда қабул қилинган каби антропометрик текширувлар ўтказилаётган вақтда шакллантирилди: 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун интервал ярим йил бўйича, 8 ёшдан бошлаб эса - бир йил бўйича ҳисоблаб чиқилган. Дентал статусни, кефалометрик кўрсаткичларни, тана узунлигини ва вазнини тавсифловчи кўрсаткичлар махсус ишлаб чиқилган «Боланинг умумий ва стоматологик картасида» қайд этилган. Доимий тишнинг ёриб чиқиш мезонлари бўлиб милкларнинг шиллик қаватнинг ҳоҳлаган қисмида - кесма қиррани, тиш коронкасининг бир ёки бир нечта чайнаш бўртиқларини пайдо бўлиши ҳисобланади (Галонский В.Г. ва бошқ., 2012). Оғиз бўшлиғида бўлмаган тишлар, агар боланинг ўзи, унинг ота-онаси ёки васийлари ушбу тишларни олиб ташлаш ҳақида маълумот берган бўлса, ёриб чиқилмаган тишлар деб ҳисобланади. Бошланғич тишларни ёриб чиқиши деб шундай ёш танланган, яъни текширувдан ўтказилган болаларнинг 5% маълум тоифадаги ёриб чиққан тишларга эга бўлган, тишларнинг ёриб чиқишини ўртача муддати – бу шундай ёшда 50% болалар ўрганилган доимий тишга эга бўлган, текширилган болаларнинг 95% да маълум гуруҳдаги тишларни ёриб чиқилиши охириги тугалланган ёш деб ҳисобланган (Хоменко Л.А., 2007). Доимий тишларнинг ёриб чиқиш кўрсаткичлари қиз ва ўғил болаларда алоҳида ўрганилган. Тадқиқот материали юқори ва пастки жағлар учун алоҳида, шунингдек ҳар бир жағнинг ўнг ва чап квадрантлари учун алоҳида ишлаб чиқилган.

Узунлик (турган ҳолатда бўйини ўлчаш) ва тана вазни каби асосий соматометрик кўрсаткичлар умумий қабул қилинган усуллар бўйича 0,1 см ўлчов аниқлиги билан баландлик ўлчагичи ва ХУ150Е типидagi (160kg/10g) 50 г гача аниқ ўлчайдиган электрон тиббий тарози ёрдамида ўрганилган. Овқатланишнинг бузилишини ташҳислаш учун тана вазни индекси (ТВИ) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилган:  $TBI = \text{тана вазни (кг)} / \text{бўйи (м}^2\text{)}$ . Кефалометрик тадқиқотлар ўз ичига айлана, бўйлама, кўндаланг, ёнок ва пастки жағни диаметрлари ва бошнинг мия бўлими баландлигини ҳамда юзнинг тўлиқ морфологик ва физиономик баландлигини қалинликни ўлчайдиган циркул ёрдамида 0,5 мм гача бўлган аниқликда ўлчашни ва электрон штангенциркулда (250 мм) ёрдамида - 0,01 мм гача аниқликда миллиметрлик чизгич ва сантиметрлик тасма билан ўлчашни ўз ичига олган.

Бошни текширганда ўқувчиларда glabella (gl), opisthokranion (op), eurion (eu), vertex (v), tragus (t), trichion (tr), nasion (n), gnathion (gn), zygon (zy) ва gonion (go) ларнинг морфометрик нуқталари пайпаслаш усули билан аниқланган бўлиб, улар бўйича тишни франкфурт горизонталида ўрнатган ҳолда ўлчашлар ўтказилган (Кузьменко Е.В., 2016). Тана узунлиги катталигининг ҳамда бошнинг юз ва мия қисмларининг ўрганиб чиқилган кефалометрик кўрсаткичларининг натижалари фоизларда ифодаланган 3 та асосий (бош, юз ва юз-морфологик) ва 10 та қўшимча: бўй-юз, юз-ёноқ, юз-жағ, морфо-жағ, ёноқ-жағ, бўй-бош, баландлик-кўндаланг, баландлик-бўйлама, юз-мия ва ёноқ-кўндаланг индексларини ҳисоблаш учун асос бўлиб олинган.

Бош шаклининг типолгиясини аниқлаш учун бошнинг (кўндаланг-бўйлама) индекси (index cephalicus) – бош мия қисми кўндаланг диаметрининг бўйлама диаметрига нисбатининг фоиздаги ифодаси ҳисоблаб чиқилган. Бош индексининг миқдорига боғлиқ равишда бошнинг уч асосий шакли долихокефалик (чўзик), мезокефалик (оралик) ва брахикефалик (думалоқ) шакллари аниқланган. Юзнинг шаклини (типини) аниқлаш учун юз (юз-морфологик) индекси (facial index) ҳисоблаб чиқилган бўлиб, у юзнинг тўлиқ морфологик баландлигининг ёноқ диаметрига нисбатининг фоиздаги ифодасидан иборат. Юз индекси миқдорига боғлиқ равишда юзнинг уч асосий шакли эурипрозоп (кенг), мезопрозоп (ўрта) ва лептопрозоп (тор) шакллари аниқланган. Юзнинг нисбатларини тавсифлаш учун юз-морфологик индекси қўлланилган бўлиб, у юзнинг физиономик баландлигининг унинг морфологик баландлигига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилган (tr-gn/n-gn). Сўнг tr-gn/n-gn нисбатининг олинган рақамли қийматларнинг 1,618 сонидан қиладиган тафовути ҳисоблаб чиқилган ва ушбу тафовут қанчалик кам бўлса одам юзининг анатомик тузилиши юқори даражада «олтин кесим» тамойилига мос бўлади (Кармалькова Е.А., Лукашевич Т.В., Белевич В.Н., 2012).

Олинган маълумотлар Statistica-6 и Microsoft Excel-2013 амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилган. Диссертацияда ўртача қийматни (M), стандарт оғишни ( $\pm SD$ ), стандарт хатони ( $\pm m$ ) ва нисбий катталикларни (частота, %) ҳисоблаб чиққан ҳолда вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Ҳосил қилинган миқдорлар ўртасидаги тафовутларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги даражасини баҳолаш Стьюдент мезони (t) ёрдамида ўтказилган.  $P \leq 0,05$  бўлганда тафовутлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб қабул қилинган. Корреляцион боғлиқликлар корреляция коэффиценти (r) билан баҳоланган.  $r < 0,3$  бўлганида корреляция паст (заиф) даражада деб, r - 0,3 дан 0,7 гача бўлганида- ўртача (меъёрдаги),  $r \geq 0,7$  бўлса – юқори (кучли) даражада деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Тошкент шаҳрида яшовчи болаларнинг доимий тишларнинг ёриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида сони, ёш динамикаси, ярим йиллик ва йиллик ўсишлар, даврлар, ўзгаришлар, муддати, кетма-кетлик, ўнг ва чап квадрантларнинг алоҳида юқори тиш ва пастки тишларининг диапазонларини симметрия

бўйича доимий тишларнинг ёриб чиқиш тавсифи Тошкент шаҳридаги турли ёшдаги ва жинсий гуруҳлардаги болаларда натижалари келтирилган.

Қиз болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқиши биринчи бўлиб 4 ёшу 6 ойда ( $0,03 \pm 0,02$  бирликларда), ўғил болаларда эса - 4 ёшу 8 ойда ( $0,35 \pm 0,06$  бирликларда) қайд этилган (1-жадвал). Текширувдан ўтган болалардаги доимий тишлар сонига кўра гендерли фарқлар аниқланган, 15, 16 ва 17 ёшлардан ташқари, бунда ҳар иккала жинс болаларида тишларнинг ўртача сони деярли фарқ қилмаган; бошқа ёш гуруҳларида доимий тишлар сони қиз болаларда ўғил болаларникига нисбатан 1,01-2,03 марта кўп қайд этилган, аммо 5 ёшда, 5 ёшу 6 ойда, 7, 8, 10, 11 ва 12 ёшда ишончли равишда аҳамиятли миқдорга кўп бўлган ( $P < 0,05-0,001$ ).

1-жадвал

Тошкент шаҳрида яшайдиган болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқишининг ўртача сони, бирликларда

Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар		P	Ёшдаги оралик	Ўсими, тишлар сони	
	M <sub>1</sub>	±m	M <sub>2</sub>	±m			ўғил болалар	қиз болалар
4,5	-	-	0,03	0,02	-	-	-	-
5	0,35	0,06	0,71	0,09	0,01	4,5-5	0,35	0,68
5,5	1,43	0,14	2,45	0,16	0,001	5-5,5	1,08	1,74
6	3,97	0,19	4,33	0,17	-	5,5-6	2,54	1,88
6,5	5,67	0,24	6,00	0,23	-	6-6,5	1,70	1,67
7	7,60	0,24	8,90	0,23	0,001	6,5-7	1,93	2,90
8	10,12	0,27	10,82	0,23	0,05	7-8	2,52	1,92
9	13,18	0,24	13,69	0,27	-	8-9	3,06	2,87
10	16,09	0,37	18,01	0,42	0,001	9-10	2,91	4,32
11	20,55	0,40	22,19	0,47	0,01	10-11	4,46	4,18
12	24,04	0,34	24,97	0,30	0,05	11-12	3,49	2,78
13	26,19	0,27	26,35	0,23	-	12-13	2,15	1,38
14	27,34	0,12	27,48	0,10	-	13-14	1,15	1,13
15	27,77	0,06	27,89	0,05	-	14-15	0,43	0,41
16	28,01	0,04	28,01	0,04	-	15-16	0,24	0,12
17	28,05	0,04	28,08	0,06	-	16-17	0,04	0,07

Иккала жинс болаларида пастки жағдаги доимий тишларнинг ўртача сони юқори жағниқидан кўпроқ бўлган, фақат 10, 13 ва 14-ёшли ўғил болалар гуруҳларники бундан мустасно. Ўғил болаларда ёриб чиққан антогонист доимий тишлар сони бўйича ишончли тарздаги аҳамиятли тафовутлар 7 та ёш гуруҳларида (5 ёш, 5 ёшу 6 ой, 6 ёш, 6 ёшу 6 ой, 7, 8 ва 12 ёш;  $P < 0,05-0,001$ ), қиз болаларда эса 8 та ёш гуруҳларида (5 ёш, 5 ёшу 6 ой, 6 ёш, 6 ёшу 6 ой, 7, 8, 9 ва 13 ёш;  $P < 0,05-0,001$ ) қайд этилган. Ўнг ва чап томондаги тишларнинг ўртача сонининг ҳамда ёриб чиққан тишларнинг солиштирма ҳиссасининг қийматлари шуни аниқлаш имконини бердики, ўғил болаларда юқorigи ва пастки жағларда тишлар чап томондан ёриб чиқиш тамойили маълум бўлган, қиз болаларда эса пастки жағнинг ўнг квадрантида ёриб чиққан тишлар сони бир мунча кўпроқ эканлиги қайд этилган, аммо бу ҳолатларда тафовутлар ишончли тавсифга эга бўлмаган.

5 ёшдан 17 ёшгача бўлган ораликда доимий тишларнинг умумий ўсимини ўғил болаларда 27,70 бирликни, қиз болаларда эса - 27,37 бирликни ташкил этган. Қиз болаларда доимий тишларнинг тезроқ ўсиши 6,5-7 ёш (2,90 бирлик.), 8-9 ёш (2,87 бирлик.) ва 11-12 ёш (2,78 бирлик.) оралиғида кузатилган, айниқса катта ўсим 9 дан 10 ёшгача (4,32 бирлик.) ва 10 дан 11 ёшгача (4,18 бирлик.) бўлган ораликда кузатилган. Ўғил болаларда доимий тишларнинг тезроқ ёриб чиқиш суръатлари 5,5-6 ёшда (2,54 бирлик.), 7-8 ёшда (2,52 бирлик.), 9-10 ёшда (2,91 бирлик.) ораликда аниқланган бўлиб, анча катта суръатлар 8-9 ёшда (3,06 бирлик), 10-11 ёшда (4,46 бирлик.) ва 11-12 ёшда (3,49 бирлик.) қайд этилган. Иккала жинс болаларида 4,5 дан 5,5 ёшгача, 6 дан 6,5 ёшгача ва 13 дан 17 ёшгача бўлган ораликларда доимий тишларнинг ёриб чиқиш суръатлари секинлашиб қолган.

Доимий тишларнинг пайдо бўлиши жараёнида ярим йиллик ва бир йиллик ўсимлар бўйича гендерли тафовутлар аниқланган: қиз болаларда ўсимнинг миқдори бешта ёш ораликларида (4,5-5 ёш, 5-5,5 ёш, 6,5-7 ёш, 9-10 ёш, 16-17 ёш) ораликларида 1,48-1,94 баробар юқори бўлган, ўғил болаларда эса қолган ўрта ёш даврларида - 1,02-2,0 баробар юқори бўлган.

Ўғил болаларнинг ёшига хос бўлган барча гуруҳларида доимий тишлар умумий сонининг ўзгаришлари қиз бола тенгдошлариникига қараганда 4 бирликка пастроқ бўлган, 11 ва 13 ёшлилар бундан мустаснодир, иккала жағларда ёриб чиққан тишларнинг умумий сони эса бир-биридан фарқ қилмаган ҳамда 11 ёшлик ўғил ва қиз болалар гуруҳида 12 дан 28 бирликларгача, 13 ёшликларда эса 18 дан 28 бирликларгача бўлган.

Ўғил ва қиз болаларда юқори жағлардаги тишларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлиги пастки жағларниқидан фарқ қилган, аммо пастки жағда ҳам, юқори жағда ҳам гендерли тафовутлар мавжуд бўлмаган. Иккала жинс болаларида бошланғич ва ўрта босқичларида тишларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлиги бўйича фарқ қилмаган бўлиб, юқори қозик тишлар ва пастки иккинчи премоляр тишлар бундан мустасно, пастки қозик тишлар, пастки биринчи премоляр тишлар ва юқоридаги иккинчи премолярларнинг пайдо бўлиши кетма-кетлигида доимий тишлаш функцияларини (прикус) шаклланиши охирига етганда гендерли тафовутлар аниқ кузатилган (2-жадвал).

5% болаларда иккала томондан (31, 41) ёриб чиқадиган пастки марказий кесувчи тишлар мавжуд бўлган бошланғич ёш, қиз болаларда 4 ёш 7 ойни, ўғил болаларда эса 4 ёш 9 ойни ташкил этган (3-жадвал). Пастки биринчи моляр тишлар (36, 46) ни ёриб чиқиши бошланадиган ёш қиз болаларда 4 ёш 10-11 ой, уларни ўғил бола тенгдошларида эса 5 ёш 1-2 ой эканлиги маълум бўлган. Ёриб чиқишнинг ўртача муддати, яъни текширувдан ўтказилган болаларнинг 50% да марказий пастки кесувчи тишлар (31, 41) мавжуд бўлганда қиз болаларда 5 ёш 7 ойни, ўғил болаларда эса 5 ёш 8 ойни, пастки моляр тишлар учун (36, 46) – 5 ёш 9-10 ойни ва 5 ёш 10-11 ойни ташкил этган.

## 2- жадвал

Тошкентда яшайдиган болаларда юқори ва пастки жағларда бошланғич, ўрта ва тугалланиш муддатлари бўйича доимий тишларнинг ёриб чиқиш кетма-кетлиги

Ёриб чиқиш муддати	Кетма-кетлиги	
	юқори жағ	пастки жағ
ўғил болалар		
Бошланғич	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	I <sub>1</sub> - M <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - C - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>
Ўрта	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	I <sub>1</sub> - M <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - C - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>
Тугалланувчи	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - C - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>
қиз болалар		
Бошланғич	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	I <sub>1</sub> - M <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - C - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>
Ўрта	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	I <sub>1</sub> - M <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - C - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>
Тугалланувчи	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - C - M <sub>2</sub>	M <sub>1</sub> - I <sub>1</sub> - I <sub>2</sub> - C - P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> - M <sub>2</sub>

Эслатма: I<sub>1</sub> – марказий кесувчи; I<sub>2</sub> - латерал кесувчи; C – козик; P<sub>1</sub> – биринчи премоляр; P<sub>2</sub> - иккинчи премоляр; M<sub>1</sub> - биринчи моляр; M<sub>2</sub> - иккинчи моляр

## 3-жадвал

Ўғил ва қиз болаларда юқори ва пастки жағдаги доимий тишларни ёриб чиқишининг бошланиш, ўрта ва тугалланиш ёши

Тишнинг рақами	Бошланиш (5%)		Ўртача ёш (50%)		Тугалланиш (95%)	
	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
	юқори жағ					
17	10,3	9,10	12,6	12,4	14,11	14,7
27	10,3	10,0	12,4	12,2	14,11	14,9
16	5,4	5,1	6,2	5,11	7,0	6,10
26	5,4	5,1	6,2	6,1	7,2	6,11
15	8,4	8,6	10,8	10,4	13,1	13,1
25	8,3	8,5	10,7	10,5	12,11	13,1
14	7,7	7,9	9,10	9,9	12,2	12,1
24	7,5	7,6	10,0	9,8	11,11	11,10
13	9,0	8,7	11,1	10,8	13,8	13,6
23	8,10	8,6	11,1	10,7	13,8	13,6
12	7,1	6,7	8,4	7,11	9,11	9,8
22	7,0	6,7	8,4	7,10	9,11	9,8
11	5,9	5,3	7,1	6,8	8,10	8,7
21	5,8	5,5	7,1	6,8	8,9	8,6
	пастки жағ					
31	4,9	4,7	5,8	5,7	7,6	7,0
41	4,9	4,7	5,8	5,7	7,6	7,2
32	5,11	5,10	7,2	6,11	8,10	8,9
42	6,1	5,9	7,2	6,10	8,10	8,10
33	8,3	8,1	10,5	9,10	13,1	11,11
43	8,2	8,1	10,6	9,9	13,1	11,11
34	8,1	8,1	10,5	9,9	13,1	12,0
44	7,11	8,1	10,6	9,9	13,3	12,2
35	9,1	8,7	10,10	10,9	13,11	13,7
45	8,11	8,7	10,10	10,7	14,1	13,9
36	5,1	4,11	5,10	5,9	7,0	6,11
46	5,2	4,10	5,11	5,10	7,2	6,10
37	9,11	9,5	11,8	11,5	14,10	14,4
47	10,0	9,6	11,9	11,5	14,10	14,6



Ёриб чиқиш жараёни тугалланадиган ёш ҳам белгиланган бўлиб, унда текширувдан ўтган болаларнинг 95% да биринчи моляр тишлар ва марказий кесувчи тишлар каби доимий тишлар мавжуд бўлган: ўғил болаларда 7 ёшда (16, 36), 7 ёшу 2 ойда (26, 46) ва 7 ёшу 6 ойда (31, 41); қиз болаларда ўнг квадрантдаги биринчи антогонист моляр тишларни ёриб чиқишининг тугалланиш муддатлари - 6 ёшу 10 ойда (16, 46) ва чап квадрантники – 6 ёшу 11 ойда (26, 36), пастки марказий кесувчи тишлар - 7 ёшда (31) ва 7 ёшу 2 ойда (41) чиққан.

Демак, текширувдан ўтган болаларда пастки жағда доимий тишларни ёриб чиқишининг бошланғич ва ўрта муддатлари кесувчи тип билан, юқоридагиси эса - моляр тип билан тавсифланган; иккала жағларда доимий тишларнинг ёриб чиқишнинг тугалланиш ёши моляр тип билан тавсифланади. Иккала жинсга мансуб тошкентлик болаларда доимий тишлар ёриб чиқишининг бошланғич, ўрта ва тугалланувчи муддатларида пастки тишлар юқоридаги тишлардан олдинроқ ёриб чиққан бўлиб (ўғил болаларда 1-16 ойга, қиз болаларда 1-18 ойга), биринчи ва (ёки) иккинчи премоляр тишлар бундан мустаснодир, улар ўзларининг антогонист тишларидан олдинда бўлган (ўғил болаларда 2-13 ойга, қиз болаларда 1-7 ойга).

Жинсий диморфизм доимий тишлар ёриб чиқишининг бошланғич муддатлари борасида намоён бўлган, улар текширувдан ўтказилган қиз болаларда эркак жинсига мансуб тенгдошларига нисбатан 1-6 ой олдин ёриб чиққан, биринчи премоляр тишлар ва юқоридаги иккинчи премоляр тишлар бундан мустаснодир (2 ойга олдинда). Қиз болаларда доимий тишларни ёриб чиқадиган ўртача ёши эркак жинсига мансуб шахсларниқига нисбатан 1-9 ойга пастроқ, тугалланиш ёши эса 1-14 ойга пастроқ бўлган. Ёриб чиқишнинг бошланғич босқичида асимметрия ҳолати қиз болаларга нисбатан ўғил болаларда кучлироқ намоён бўлган, ўрта ва тугалланувчи босқичларда эса аксинча бўлган. Ёриб чиқиш муддати бўйича антимер тишларнинг кузатилаётган асимметрияси 1 дан 3 ойгача бўлган вақтни ташкил этиб, ўғил болаларда тишларнинг чап томондан ва қиз болаларда ўнг томондан ёриб чиқишидан далолат берган.

Иккала жинсга мансуб болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқиш диапазони 10 ёшу 2 ойни ташкил этган. Ёриб чиқиш жараёнининг энг юқори суръатлари биринчи молярларга, энг паст суръатлари эса қозик тишлар, премолярлар ва иккинчи молярлар учун хосдир (4-жадвал).

Демак, тишларнинг ёриб чиқишидаги вақт диапазони доимий тишлар, антимер тишлар ва антогонист тишларнинг турли гуруҳларида ҳамда ўғил болалар ва қизлар ўртасида бир-биридан фарқланиб турган.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳридаги болалар учун тишлар ривожланишининг ёши ва жинси бўйича айрим меъёрий баҳолаш жадвалларини ишлаб чиқишни илмий асослаш» деб номланган тўртинчи бобда тошкентлик болаларда ҳамда қатор хорижий мамлакатларнинг болаларида доимий тишларнинг ёриб чиқишининг қиёсий баҳолари келтирилган.

## Тошкент шаҳрида яшовчи болаларда юқори ва пастки жағларда доимий тишларни ёриб чиқишининг диапазонлари ва суръатлари

Тишнинг рақами	Ўғил болалар	Қиз болалар	Тафовут	Тишнинг рақами	Ўғил болалар	Қиз болалар	Тафовут
юқори жағ				пастки жағ			
17	4,8	4,9	-1	31	2,9	2,5	+4
27	4,8	4,9	-1	41	2,9	2,7	+2
16	1,8	1,9	-1	32	2,11	2,11	0
26	1,10	1,10	0	42	2,9	3,1	-4
15	4,9	4,7	+2	33	4,10	3,10	+12
25	4,8	4,8	0	43	4,11	3,10	+13
14	4,7	4,4	+3	34	5,0	3,11	+13
24	4,6	4,4	+2	44	5,4	4,1	+15
13	4,8	4,11	-3	35	4,10	5,0	-2
23	4,10	5,0	-2	45	5,2	5,2	0
12	2,10	3,1	-3	36	1,11	2,0	-1
22	2,11	3,1	-2	46	2,0	2,0	0
11	3,1	3,4	-3	37	4,11	4,11	0
21	3,1	3,1	0	47	4,10	5,0	-2

Россиянинг Саратов (Белугина Л.Б., 2004), Сергач (Волкова С.И., Гретченко Я.В., 2016) ва Ижевск (Ватлин А.Г., 2006) каби шаҳарларидаги болаларда тишларнинг айрим гуруҳлари Тошкент шаҳридаги тенгдошлариникига нисбатан кечроқ ёриб чиқар экан: сергачлик ўғил болаларда 1-24 ойга, қиз болаларда - 2-21 ойга; саратовлик ва ижевсклик ўғил болаларда - 1-5 ойга, қиз болаларда эса - 1-8 ойга кечроқ ёриб чиққан.

Тишларнинг пайдо бўлишининг ўртача муддатларига кўра тошкентлик ўғил болалар тишларнинг кўпгина тоифалари бўйича Сергач шаҳридаги тенгдошларига нисбатан 1-11 ойга, Саратов ва Ижевскдаги ўғил болалардан 1-9 ойга олдинда; тошкентлик қизларда тишнинг ёриб чиқиши Саратов ва Сергач шаҳарларидаги тенгдошларига қараганда тенг даражада (1-14 ойга) орқада қолаётгани қайд этилган бўлса, ижевскдаги қиз болаларига нисбатан тишларнинг ёриб чиқишининг ўртача муддатлари атиги 1-5 ойга кечроқ рўй берган. Тошкент шаҳрининг болаларида доимий тишларнинг ёриб чиқиши ниҳоясига етадиган муддатлари билан Россия шаҳарларидаги болаларникини қиёсий баҳолашда тошкентлик болалар тенг даражада Сергач, Саратов ва Ижевск шаҳарларидаги тенгдошларидан орқада қолаётганлиги аниқланган: ўғил болалар - 1-16 ойга, қиз болалар - 1-13 ойга. Тошкентлик болаларда биринчи молярлар ва премолярларнинг ёриб чиқиш суръатлари Россиялик болаларники билан бир хил бўлган (Белугина Л.Б., 2004), ammo Россиялик қиз болаларда доимий тишларнинг ёриб чиқиш диапазони ўғил болаларникидан қисқароқ бўлган учун Тошкентлик ўғил болаларда бунинг акси бўлган; Тошкентлик ва Россиялик болаларда антимер тишларнинг диапазони ўртасидаги фарқлар бир хил эмас.

Тошкентлик ўғил болалар орасида иккала жағларда тишларнинг чап томондан ёриб чиқиш тамойили аниқланган, қиз болаларда эса ўнг томондаги тишларнинг сони кўпроқ бўлиб, Россияда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига мос бўлган (Белугина Л.Б., 2004).

